



МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ҲУҚУҚИЙ БАЗА, АМАЛИЙ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 312-гуруҳ курсанти
Сайфиддинов Бехруз Акрам ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон
ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, майор
Ниматов Шерзод Ниматжонович

Давлатнинг ташкил топиши натижасида ижтимоий хавфли (зарарли) қилмишларнинг ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниб, жазо қўлланилиши таҳдиди остида ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотларнинг ҳам муайян тизимда ривожланиб боришига хизмат қилган. Шу нуқтаи назардан, давлат ва унинг бошқарув тартибига қарши қаратилган жиноятлар учун алоҳида жазо турлари борасидаги ғоялар, фикрлар, қарашлар ва нуқтаи-назарлар шаклланган ҳамда улар асосида жазо чоралари қўлланилиши жорий этилган.

Дунё мамлакатларининг жиноятчилик ва хавфсизлик даражасини белгилашда алоҳида тур- даги жиноятлар (терроризм, одам савдоси, қотиллик, номусга тегиш, ўғир- лик, босқинчилик ва бошқалар), алоҳида тоифадаги шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ишсизлар, гиёҳвандлар ва бошқалар)нинг миқдор ва сифат кўр- саткичлари муҳим омил ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таъкидлашича, «маъмурий назорат тизими давлат органларига

¹ Уровень преступности в мире // URL: <https://visasam.ru/emigration/vybor/prestupnost-v-mire.html> (24.03.2021й.да мурожаат қилинган); Самые преступные страны мира // URL: <https://zel-rent.ru/grazhdanskoe-protsessualnoe-pravo/samie-prestupnie-strani-mira.php> (24.03.2021й.да мурожаат қилинган).



хукукбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш имконини беради, бу эса жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилади»¹. Шу муносабат билан, маъмурий назорат ўрнатилган шахслар бўйича чора-тадбирларни самарали амалга ошириш ва ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Маъмурий назорат – жамиятда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим воситадир. У давлат маъмуриятига хукукбузарликларни бартараф этиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни мустаҳкамлаш имконини беради»¹. Шу боис, маъмурий назорат ўрнатилган шахслар билан боғлиқ масалаларни аниқлаш ва самарали амалга ошириш мамлакатимизда ҳуқуқий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга³.

Юридик адабиётларда маъмурий жавобгарликни қўллашнинг икки асоси кўрсатиб ўтилган: биринчиси, қонуннинг ҳуқуқий (норматив) асосисифатида; иккинчиси – маъмурий ножўя ҳатти-ҳаракатнинг (хукукбузарлик)фактик асоси сифатида. Хукукбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик хусусиятлари ватаркибига эга бўлиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Хукукбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларининг доираси ҳозирга қадар баҳс-мунозарага сабаб бўлаётган масалалардан бир бўлиб, бир қатор ҳукуқшунос олимларнинг диққатини ўзига тортган. Жумладан, ҳукуқшунос олимлар И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва И.Ю.Фозиловлар ҳукукбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин деб эътироф этади:

² Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси, 2023 йил 1 сентябрь. — www.press-service.uz

³ Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси, 2023 йил 1 сентябрь. — www.press-service.uz (расмий веб-сайт).



- 1) ҳуқуқий чора-тадбирлар;
- 2) тарбиявий-профилактик чора-тадбирлар;
- 3) ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар;
- 4) маънавий-ахлоқий чора-тадбирлар;
- 5) тиббий чора-тадбирлар;
- 6) психологик чора-тадбирлар;
- 7) ташкилий чора-тадбирлар;
- 8) бошқа чора-тадбирлар”⁴.

Пенитенциар тизимнинг профилактик функциясини тадқиқ этган Н.С. Салаев “профилактик чора-тадбирлар” доирасини асосий икки турдаги:

- 1) тиббий – касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуи;
- 2) ҳуқуқий – ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида тушунади⁵. Бу тасниф албатта тадқиқот предмети нуқтаи-назаридан шаклланганлигига шубҳа йўқ. Бироқ профилактик чора-тадбирлар мақсадига эришиш учун камлик қилади. Биринчи жиноят содир этган шахс қайта жиноят қилиш эҳтимоли юқори бўлиши мумкин, айниқса агар ижтимоий, иқтисодий шароит ёки назорат етишмовчилиги бўлса.⁶

С.Б. Хужакулов томонидан олиб борилган тадқиқотларда эса, мазкур чора-тадбирлар ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа (иқтисодий, тарбиявий, ташкилий, информацион, махсус ва ҳ.к.) чора-тадбирлар сифатида эътироф этилади⁷. Ш.Р. Ғофуров эса, С.Б. Хужакулов томонидан берилган таснифга профилактик таъсир чораларининг бирма-бир

⁴ Криминология. Умумий қисм: ИИБ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. – Б. 190.

⁵ Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш: юрид. фан. докт. (DSc) дис.... автореф. – Т., 2017. – Б. 15.

⁶ Ниматов, Ш. Н. (2025). АЁЛЛАР ЎРТАСИДА РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИК: САБАБЛАР, ТАҲЛИЛ ВА ПРОФИЛАКТИК ЁНДАШУВЛАР. Лучшие интеллектуальные исследования, 55(1), 365-379.

⁷ Хўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. фалс. докт. (PhD) дис.... автореф. – Т., 2018. – Б. 20.



кўрсатилгани натижасида уларнинг доираси чегараланиб қолиши мумкинлиги билан боғлиқ ваз асосида ушбу фикрга қўшилиб бўлмаслигини илгари суради⁸. Умуман олганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилиш доирасидан келиб чиқиб, ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бироқ ички ишлар органларининг маъмурий назоратга олинган шахслар билан амалга оширадиган профилактик чора-тадбирларининг аҳамияти – ушбу фаолият якунида эришилган ижобий натижалар билан белгиланади.

Шу билан бирга, айрим юридик адабиётлар⁹ ва миллий қонунчилик нормаларида¹⁰ таҳлил қилинаётган категория ўрнида *“профилактик ишлар”* тушунчасини ҳам қўллаш ҳолатларини кузатиш мумкин. Бироқ назаримизда мазкур тушунча *“профилактик чора-тадбирлар”*га нисбатан анча торлиги сабабли, ҳуқуқбузарлик профилактикасининг мақсад ва вазифаларини белгилашда ундан фойдаланиш самара бермайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонунининг 29-моддасида маъмурий назорат ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасининг чора-тадбири сифатида кўрсатилган. Мазкур қонуннинг 41-моддасида “Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуидан

⁸ *Гофуров Ш.Р.* Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. фалс. докт. (PhD) Дисс. – Т., 2019. – Б. 51.

⁹ *Жаббарбергенов Р.* Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатишган шахсларни жамиятга мослаштириш – рецидив жиноятларнинг олдини олиш йўналиши // Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами. – Т., 2004. – Б. 225; *Мухторов Ж.С.* Илгари судланганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2016. – № 1. – Б. 51.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон қонунининг 3-боби 20–24-моддалари (Яқка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш) // URL: <https://www.lex.uz/acts/1685726> (мурожаат вақти: 29.08.2021); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сон қарорининг 6-боби (Марказда вояга етмаганлар билан яқка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш тартиби) // URL: <https://lex.uz/docs/5550539#5558871> (мурожаат вақти: 29.08.2021).



иборат бўлади ва назорат остидагиларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларни қўллашда ўз ифодасини топади”, – деб кўрсатилган.

Демак, назорат остидаги шахсга нисбатан тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда, бу борада тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чораларининг доирасини аниқлаб олиш талаб этилади.

Бугунги кунда маъмурий назорат остидаги шахслар билан ишлашнинг ҳукукий кафолатларини етарли даражада мукаммал деб бўлмайди. Жумладан, биргина ички ишлар органларининг маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб борадиган профилактик ишларини амалга оширишда бошқа давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этиш механизмининг етарлича шаклланмагани, шунингдек олиб борилаётган профилактик ишлар натижасидан фуқароларнинг қониқиш ҳосил қилиши ва аҳоли билан ҳамкорлик даражасини инобатга оладиган баҳолаш мезонларининг ишлаб чиқилмаганлиги бунга яққол мисол бўла олади (мазкур масала диссертациянинг 2-боб 1-параграфида батафсил таҳлил этилган).

Тадқиқот натижалари асосида маъмурий назорат остидаги шахслар билан бевосита ишловчи профилактика (катта) инспекторлари ўртасида социологик сўров ўтказилиб, уларга *“Сизнингча, маъмурий назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган профилактик ишларни ҳукукий тартибга солиш соҳасидаги муаммолар асосан қайси йўналишда мавжуд?”* деган савол билан мурожаат қилинганда, респондентларнинг 56,5 фоизи – профилактик ишларни амалга оширишда бошқа давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликни ҳукукий тартибга солиш масаласида; 41,2 фоизи – назорат остидаги шахслар томонидан маъмурий чекловлар ва бошқа мажбуриятларни бажармаганлик оқибатларини ҳукукий кафолатлаш соҳасида; 12,7 фоизи – назорат остидаги шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш



соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш соҳасида; 2,9 фоизи – бошқа масалаларда деган жавобни беришган.

Назорат остидаги шахслар билан олиб бориладиган **ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг ижтимоий чоралари** уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Мазкур чора-тадбирларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) назорат остидаги шахснинг ижтимоийлашувини амалга ошириш (ресоциализация қилиш);

2) назорат остидаги шахснинг бандлигига ҳамда моддий ёрдам олишига кўмаклашиш;

3) назорат остидаги шахснинг турар жой, яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиши ва шахсни тасдиқловчи (бошқа кафолатлар берувчи) ҳужжатларини расмийлаштиришга кўмаклашиш.

Ҳуқуқшунос олим А.К. Расулевнинг фикрига кўра¹¹, ҳуқуқбузар шахсни *ижтимоий реабилитация қилиш* – уни бевосита ахлоқан тузатиш ёки судланганлик ҳолатини олиб ташлаш сингари чораларда намоён бўлса, *ижтимоий мослаштириш* эса, жазони ўтаб қайтган шахсни ўқишга ёки ишга жойлаштириш, маълум муддатга уй-жой билан таъминлаш, ҳокимиятлар ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан моддий, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳуқуқий ёрдам бериш каби ҳолатларда ўз ифодасини топади.

Юқоридаги масалаларнинг аҳамияти юзасидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Жиноятчиликнинг олдини олишдаги энг муҳим омиллардан бири – ишсизлик бўлиб, уни бартараф этмай туриб, ҳуқуқбузарликлар

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ: Қонунга илмий-амалий шарҳ / Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир Б.А.Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 118.



профилактикаси бўйича кўзланган натижаларга эришиб бўлмайди”¹² деган қарашларини ёдга олиш кифоя.

Бугунги кун амалиётда ички ишлар органлари томонидан бу борада бир қатор иш олиб борилаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, ўтган беш йилда (2016–2020 йилларда) ички ишлар органлари томонидан маъмурий назорат остидаги шахсларнинг ишга жойлашишлари учун меҳнат бўлимларига жами 58.910 та (2016 йилда 15.281 та, 2017 йилда 13.768 та, 2018 йилда 17.215 та, 2019 йилда 6.851 та, 2020 йилда 5.786 та) йўлланма юборилган. Шунингдек таҳлил қилинаётган даврда ички ишлар органларининг кўмаги ёрдамида 2016 йилда 8.762 нафар, 2017 йилда 7.548 нафар, 2018 йилда 7.929 нафар, 2019 йилда 5.972 нафар, 2020 йилда 5.389 нафар назорат остидаги шахсга моддий ёрдам берилган¹³.

Ўзбекистон Республикасининг «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 15 май) қонунининг 3-моддасига кўра, хукуқбузарлик –содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайрихукуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик). Ҳар икки асос ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўз ифодасини топган. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 1-моддасида маъмурий жавобгарликнинг ҳукуқий (норматив) асоси мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва

¹² Мирзиёев Ш.М. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – хукуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилidir // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, Б. 3. 15.11.2017).

¹³ Қаранг: 3-илова.



Вазирлар Кенгашининг қарорлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киради. Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддасига биноан эса, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан, маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат важамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли(қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёкиҳаракатсизлик тушунилиши қайд этилган. (фактик асос) Ҳуқуқ назариясига кўра, ҳар қандай юридик жавобгарликнингасосини қонунга хилоф айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), яъни ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик хусусиятлари ва таркибига эга бўлиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ҳуқуқбузарлик ижтимоий маънода фуқаролар,жамият ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хавфни вужудга келтирувчихулқ-атвор бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишигатўсқинлик қилади ва уларнинг бузилишига олиб келади.Қонунга кўра, суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган шахс ларга, оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга, ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилиши мумкин. Жиноят кодексига биноан, оғир ёки ўта оғир жиноят ҳисобланадиган қилмишларни содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган вояга етган шахсларга нисбатан тегишли асослар мавжуд бўлганда ҳам, суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилади. Шунингдек, маъмурий назорат остидаги шахсларга нисбатан суднинг содир этилган қилмишнинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолдаги



қарори асосида муайян маъмурий чекловлар қўлланилади. Қонунда маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга ошириш, узайтириш, тугатиш, маъмурий чекловларни қисман бекор қилиш масалалари тартибга солинган. Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома 10 кундан кечиктирмай ЖИБ туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан ички ишлар органи вакили ва маъмурий назорат ўрнатиш масаласи кўриб чиқиладиган шахс иштирокида кўриб чиқиладиган ва маъмурий назорат бир йил муддатга ўрнатилади. Назорат остидаги шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий назорат муддати ички ишлар органининг тақдимномаси асосида суд томонидан олти ойгача, лекин судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши муддатларидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Суднинг маъмурий назорат ўрнатиш, унинг муддатини узайтириш ёки муддатидан илгари тугатиш ёхуд маъмурий чекловларни қисман бекор қилиш тўғрисидаги қарорлари устидан ҳам юқори турувчи судга шикоят берилишига йўл қўйилади. Жамият тараққиётида ҳуқуқ-тартибот тизимининг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурий назорат — давлат ва махсус ваколатли органлар (мансабдор шахслар) фаолиятининг алоҳида тури. Маъмурий назорат қонунийликни ва давлат интизомини таъминлаш усулларида бири ҳисобланади. Маъмурий назорат давлат органлари, тижорат ва нотижорат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг давлат ва жамият ривожланиши учун аҳамиятли бўлган умуммажбурий қоидаларга қатъий риоя қилишига қаратилгандир. Маъмурий назорат давлат назоратининг бошқа турларидан қуйидаги ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади: биринчидан, Маъмурий назорат мулкчилик шаклидан ва мулкнинг кимга бўйсунушидан қатъи назар барча юридик ва жисмоний шахслар устидан амалга оширилади¹⁴.

¹⁴



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 28 январдаги "Жиноятчиликка қарши курашиш ва жамиятда хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонларидан бирида таъкидлаганидек: "Ҳар бир инсон ҳаёти ва шаънини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши самарали чоралар кўриш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш — давлатимиз сиёсатидаги устувор вазифалардан биридир. Жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш масалалари давлат сиёсатида устувор вазифалардан бирига айланди¹⁵. Шу боис, жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта интеграция қилиш, уларни қайта жиноятга йўл қўймаслик учун профилактика тадбирларини самарали амалга ошириш зарурлиги кун тартибда турибди.

Ижтимоий чора-тадбирлар доирасида жиноят содир этган шахсларнинг жамиятга қайта интеграция қилиш мақсадида меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Бу ярмаркаларда ишга жойлашиш имкониятлари тақдим этилади¹⁶. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ушбу чора-тадбирлар жиноят содир этган шахсларнинг қайта жиноят содир этишининг олдини олиш ва уларни жамиятга қайта интеграция қилишга қаратилган. Бу йўналишдаги ишлар давом этмоқда ва келгусида уларнинг самарадорлиги янада оширилиши кутилмоқда. Аммо шунга амалга оширилган ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий чора-тадбирларга қарамадан ҳудудларда муқаддам судланганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар криминоен вазиятга таъсир ўтказиб келмоқда.

2023 йилда маъмурий назорат остида 5 529 нафар шахс бўлган. 2024 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 5 689 нафарга етган, яъни 160 нафарга

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги ПФ-5948-сонли Фармони, расмий веб-сайт — <https://president.uz>

¹⁶ https://uza.uz/uz/posts/mehnat-qilish-imkoni-zhinoyatchilikni-kamaytirishda-muhim-omildir_765345?utm



кўпайган¹⁷. 2023 йилда маъмурий назоратда турган 4 167 нафар шахс суд томонидан ўрнатилган тақиқларга риоя қилмаганлиги учун маъмурий баённомалар расмийлаштирилган. 2024 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 3 153 нафарни ташкил этган¹⁸. 2023 йилда маъмурий назорат қоидаларини биринчи маротаба бузган 717 нафар шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 226-моддаси бўйича жавобгарликка тортилган. 2024 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 637 нафарни ташкил этган¹⁹. 2024 йилда судлар томонидан 77 995 нафар шахсга нисбатан 61 481 та жиноят иши кўриб чиқилган. Шундан 20 659 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 39 763 нафарига бошқа турдаги жазолар берилган, 1 080 нафар шахс шартли ҳукм қилинган²⁰. Маъмурий назорат остида турган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар статистикаси тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Аммо, умумий жиноятчилик статистикасига кўра, 2023 йилда Ўзбекистонда жиноятларнинг 82,7 фоизи фош этилган ва қидирувдаги 7 563 нафар шахс ушланган. Ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб содир этилган 6 455 та жиноят аниқланган²¹. Маъмурий назорат остида турган шахслар сони ва улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар статистикасида ўсиш кузатилмоқда. Бу ҳолат назорат ва профилактика чораларини кучайтириш, шунингдек, маъмурий назорат тизимининг самарадорлигини оширишни талаб қилмоқда.

Ички ишлар органларида профилактика инспекторларининг маъмурий назорат ўрнатилган шахслар билан ишлаш фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунини таҳлил этиш нуқтаи назаридан аҳамияти ўрганилганда мазкур қонунинг *умумий мақсад ва вазифалари (1-модда ва 2-модда)* сифатида профилактика

¹⁷ <https://yuz.uz/news/mamuriy-javobgarlik-togrisidagi-kodeksning-206-va-248-moddalariga-ozgartirish-va-qoshimchalar-kiritilmoqda?utm>

¹⁸ <https://yuz.uz/news/probatsiya-nazoratidagi-shaxslar-bilan-olib-borilayotgan-ishlar-samaradorligi-oshiriladi?utm>

¹⁹ <https://yuz.uz/news/probatsiya-nazoratidagi-shaxslar-bilan-olib-borilayotgan-ishlar-samaradorligi-oshiriladi?utm>

²⁰ <https://sud.uz/news-2025-02-07-1/?utm>



инспекторлари асосий вазифаси — ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш эканлигини кўриш мумкин. Шунингдек маъмурий назорат остида турган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга уларнинг ҳуқуқбузарликларни такрорлашини олдини олишни кўриш мумкин. *Фаолиятнинг асосий йўналишлари (4-модда)* сифатида профилактика инспекторлари жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва сабабларини аниқлашда фаол иш олиб борадилар. Шунингдек маъмурий назорат остида турган шахсларни кузатиш, уларнинг ҳуқуқбузарликларни такрорламаслигини таъминлаш профилактика инспекторларининг муҳим вазифаси. Бундан ташқари ҳуқуқбузарликка мойил шахсларни аниқлаш ва уларга таъсир қилиш учун чоралар кўриш вазифаси ҳам бор. *Қонунийлик принципи (6-модда)* профилактика инспекторлари ўз фаолиятида қонун талабларига қатъий риоя қилиши шарт. ҳар қандай қонунга ҳилоф ҳаракат ёки шахсларнинг ҳуқуқларини бузиш ман этилади. Маъмурий назорат остидаги шахслар билан ишлашда ҳам инсон ҳуқуқлари ва қонунийлик принциплари бузилмаслиги керак. *Маъмурий назоратнинг қонунийлиги ва бажарилиши мажбурияти (10-модда)* профилактика инспекторларининг талаблари ва талабларга мувофиқ амал қилиш маъмурий назоратда турган шахслар ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши зарур. Маъмурий назорат доирасида зарур ахборот ва маълумотларни олиш ҳуқуқи бор. Инспекторларнинг қонуний талаблари устидан шикоят қилиш мумкин, аммо бу уларнинг талабларини бажарилишини тўхтатмайди. *Ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви (11-модда)* профилактика инспекторлари бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлайдилар. Маъмурий назорат остидаги шахсларнинг фаолияти ҳақида ахборот алмашиш, уларнинг ҳуқуқбузарликларини олдини олишда биргаликда ҳаракат қилиш муҳим. Бу ҳамкорлик профилактика инспекторларининг фаолиятини самарали



қилишга ёрдам беради. Хулоса қилиб айтганда профилактика инспекторлари маъмурий назорат остидаги шахслар билан ишлашда асосан қуйидаги йўналишларда фаолият кўрсатадилар: ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва такрорланишини камайтириш; маъмурий назорат талабларини бажарилишини таъминлаш; қонунийликка қатъий риоя қилиш, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаш. Инспекторларнинг фаолияти қонунийлик, шаффофлик ва адолат принциплари асосида амалга оширилиши шарт. Ички ишлар органларида профилактика инспекторларининг маъмурий назорат ўрнатилган шахслар билан ишлаш фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонунини таҳлил этиш нуқтаи назаридан аҳамиятини ҳам ўрганиш лозим. *Таянч пунктлар(15-модда)нинг маъмурий назоратга таъсири.* Таянч пунктлар — ички ишлар органларининг маҳаллалардаги асосий қуйи бўғини бўлиб, уларнинг вазифаси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш бўлиб, маъмурий назорат остидаги шахслар билан ишлаш асосан маҳаллаларда амалга оширилгани учун, таянч пунктлар профилактика инспекторлари ва ёрдамчилари орқали ушбу шахсларни кузатиш, уларнинг ҳаракатларини назорат қилиш, қонун талабларига риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади. Таянч пунктлар профилактика инспекторларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот бериш мажбуриятини берган, бу эса маъмурий назорат остидаги шахслар билан ишда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайди. Маъмурий назоратда турган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан адолатли ва қонуний муносабатда бўлиш таянч пунктларнинг жавобгарлиги ҳисобланади. *Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари (151-модда) ва маъмурий назорат остидаги шахслар билан ишлаш.* Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари маъмурий назорат остидаги шахсларни назорат қилиш ва



уларнинг жамоат тартибига риоя қилишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Профилактика инспекторлари, ёрдамчилар, шунингдек, хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор, пробация инспектори ва бошқа ходимлар биргаликда ишлаб, маъмурий назорат остидаги шахсларнинг фаолиятини доимий кузатишади. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари орқали жамоатчилик ва ички ишлар органлари ўртасидаги ҳамкорлик орқали назорат остидаги шахсларга тегишли ёрдам, тушунтириш ва профилактика ишлари амалга оширилади. Ўз навбатида, жамоат тартибини сақлашда Миллий гвардия ва бошқа давлат органлари ходимлари жалб этилиши маъмурий назорат остидаги шахсларнинг ҳуқуқбузарликларини олдини олишни кучайтиради. *Қонунчилик ва қонунийлик жиҳатлари* Маъмурий назорат остидаги шахслар билан ишлашда профилактика инспекторлари ва таянч пунктлар ходимлари *қонунийлик (6-модда)* ва қонуний талабларнинг бажарилишини қатъий таъминлашлари лозим. Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ёки қонунга хилоф ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги, шахслар ҳуқуқлари бузилмаслиги кафолатланиши керак. Маъмурий назоратда турган шахсларнинг ҳуқуқлари, жумладан, ҳисобот бериш ва тушунтириш бериш жараёнлари очик ва қонуний тартибда олиб борилиши шарт.

Фаолиятнинг амалий йўналишлари Таянч пунктлар ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари профилактика инспекторлари маъмурий назорат остидаги шахслар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг жамоат тартибига риоя қилишини назорат қилади. Профилактика инспекторлари ўз ҳисоботларини маҳалла ва жамоат ташкилотларига тақдим этиш орқали фуқароларнинг ижтимоий назоратини таъминлайди. Маъмурий назорат талаблари бузилса, профилактика инспекторлари ва таянч пунктлар тезкор чоралар кўришга қодир.



Ўзбекистон Республикасининг "Ўукукбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни²² – профилактика инспекторлари (аввал ИИО профилактика инспекторлари, ҳозирда "жамоат тартибини сақлаш ва профилактика бўйича инспекторлар" деб ҳам аталади) фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Қонуннинг **маъмурий назорат остида турган шахслар билан ишлашдаги аҳамияти** таҳлил қиладиган бўлсак, Қонуннинг 5-боби, хусусан, 28-моддадан 31-моддагача бўлган қисмлар профилактика инспекторларига ҳуқуқбузарликка мойил шахслар ва жинойт содир этган, шу жумладан жазони ўтаб чиққан шахслар билан ишлашдаги аниқ механизмларни белгилаб беради:

- Профилактика суҳбати,
- Расмий огоҳлантириш,
- Профилактик ҳисобга олиш,
- Маъмурий назорат,

-Ижтимоий мослаштириш ва реабилитация. Бу чоралар профилактика инспектори фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Шунингдек Профилактика инспектори учун амалий фаолият йўналишларини белгилайди, Масалан, 30-моддадаги профилактика суҳбати профилактика инспекторининг шахс билан олиб бориши керак бўлган биринчи мулоқотини ифодалайди. Бу суҳбат орқали шахсга ҳуқ-атвор меъёрлари тушунтирилади, жинойт содир этишнинг оқибатлари ҳақида огоҳлантирилади. Агар бу суҳбат самара бермаса, расмий огоҳлантириш (31-модда) амалга оширилади. Бу профилактика инспекторига ҳуқуқбузарликка мойил шахсни ёзма равишда огоҳлантириш имконини беради. Шунингдек, бу огоҳлантириш туман ҳокимлиги, иш берувчи ёки маҳалладаги фуқаролар йиғинига ҳам юборилиши мумкин. Ижтимоий мослашувни таъминлашда ҳамкорликни таъминлайди.

²² Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги "Ўукукбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги 371-сон қонуни/<https://lex.uz/docs/2387357>



Қонуннинг 4-моддаси ва 29-моддасида таъкидланганидек “Ижтимоий реабилитация ва мослаштириш” чоралари профилактика фаолиятининг бир қисми сифатида белгиланган. Бу, айниқса, жазони ўтаб чиққан шахсларни жамиятга қайтаришда маҳалла, таълим муассасалари, иш берувчилар, ННТлар билан ҳамкорликни талаб этади. Профилактика инспекторлари фақат назорат қилувчи эмас, ижтимоий адаптацияни таъминловчи субъект сифатида ҳам ҳаракат қилади. Хулоса қилиб айтганда Ушбу Қонун профилактика инспекторининг фаолият йўналишини белгилайди, ваколатини аниқлайди, ишлаш методларини (суҳбат, огоҳлантириш, ҳисобга олиш), шахслар билан қандай тарзда иш олиб боришини ва энг муҳими, жамиятдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ишончли ҳуқуқий механизмларни яратади. Бу эса профилактика инспекторининг маъмурий назорат остида турган шахслар билан самарали ва қонуний асосда иш олиб боришига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, маъмурий назорат ўрнатилган шахслар бўйича чора-тадбирларни самарали амалга ошириш жамиятда ҳуқуқий тартибни сақлаш ва жиноятчиликни камайитиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш зарур. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таъкидлашича, маъмурий назорат тизими орқали жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга катта ҳисса қўшилади¹. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан ёндашиш ҳам устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шундай қилиб, маъмурий назорат ўрнатилган шахслар билан ишлашда ҳуқуқий мувозанат ва шаффофликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.



Адабиётлар рўйхати

1. Уровень преступности в мире // URL: <https://visasam.ru/emigration/vybor/prestupnost-v-mire.html> (мурожаат вақти: 24.03.2021); Самые преступные страны мира // URL: <https://zel-rent.ru/grazhdanskoe-protsessualnoe-pravo/samie-prestupnie-strani-mira.php> (мурожаат вақти: 24.03.2021).
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси, 2023 йил 1 сентябрь. — www.press-service.uz (расмий веб-сайт).
3. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова, И.Ю. Фозилов; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 190.
4. Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш: юрид. фан. докт. (DSc) дис.... автореф. — Т., 2017. — Б. 15.
5. Хўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. фалс. докт. (PhD) дис.... автореф. — Т., 2018. — Б. 20.
6. Ғофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. фалс. докт. (PhD) дисс. — Т., 2019. — Б. 51.
7. Жаббарбергенов Р. Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатишган шахсларни жамиятга мослаштириш — рецидив жиноятларнинг олдини олиш йўналиши // Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами. — Т., 2004. — Б. 225; Мухторов Ж.С. Илгари судланганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2016. — № 1. — Б. 51.



8. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон қонунининг 3-боби 20-24-моддалари (Якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш) // URL: <https://www.lex.uz/acts/1685726> (мурожаат вақти: 29.08.2021); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сон қарорининг 6-боби (Марказда вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш тартиби) // URL: <https://lex.uz/docs/5550539#5558871> (мурожаат вақти: 29.08.2021).
9. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ: Қонунга илмий-амалий шарҳ / Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 118.
10. Мирзиёев Ш.М. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 15.11.2017).
11. Қаранг: 3-илова.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги ПФ-5948-сонли Фармони // URL: <https://president.uz> (расмий веб-сайт).
13. Меҳнат қилиш имкони жиноятчиликни камайитиришда муҳим омилдир // URL: https://uza.uz/uz/posts/mehnat-qilish-imkoni-zhinoyatchilikni-kamaytirishda-muhim-omildir_765345 (мурожаат вақти: 2025 йил).
14. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206 ва 248-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда // URL:



<https://yuz.uz/news/mamuriy-javobgarlik-togrisidagi-kodeksning-206-va-248-moddalariga-ozgartirish-va-qoshimchalar-kiritilmoqda>

(мурожаат

вакти: 2025 йил).

- 15.Пробация назоратидаги шахслар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлиги оширилади // URL: <https://yuz.uz/news/probatsiya-nazoratidagi-shaxslar-bilan-olib-borilayotgan-ishlar-samaradorligi-oshiriladi> (мурожаат вакти: 2025 йил).

- 16.Судлар томонидан 2024 йилда кўриб чиқилган жиноят ишлари тўғрисида // URL: <https://sud.uz/news-2025-02-07-1/> (мурожаат вакти: 2025 йил).

- 17.Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ўқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2387357> (мурожаат вакти: 2025 йил).

- 18.Ниматов, Ш. Н. (2025). АЁЛЛАР ЎРТАСИДА РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИК: САБАБЛАР, ТАҲЛИЛ ВА ПРОФИЛАКТИК ЁНДАШУВЛАР. *Лучшие интеллектуальные исследования*, 55(1), 365-379.